

С

**Каримова Мадина Ботиржоновна**

(PhD) “Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

**Қосимова Назокат Расулжон қизи**

“Агроинженерия ва гидромелиорация” факультети ТЖИЧАБ

йўналиши

1-босқич талабаси

**Анотация:** Мазкур мақолада ўзбек халқининг қадимдан ҳомиладор аёлни асраб-авайлаш билан боғлиқ қарашлари Фарғона водийсида олиб борилган дала тадқиқотлари асосида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** ўзбек халқи, ҳомиладорлик, аёллар, бола.

Ўзбек халқи фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлишни энг юксак бахт деб ҳисоблайди. “Болали уй-бозор, боласиз уй-мозор” мақоли ҳам юқоридаги фикрларни нақадар тўғри эканлигини кўрсатади. Серфарзандлик ўзбек халқига хос хусусият бўлиб оилада ҳомиладор аёлга нисбатан алоҳида муносабат шаклланган. Ўрта Осиёнинг барча жойларида бўлгани каби Фарғона водийсида ҳам ҳомиладорлик ва фарзандли бўлишга Аллоҳнинг неъмат сифатида қаралиб, ҳомиладор аёлни эъзозлашга нисбатан ўзига хос қарашлар шаклланганлигини қайд этиш лозим.

Ҳомиладорликнинг дастлабки бошқоронғилик даврида аёлнинг у ёки бу таомни ейиш истаги туғилса, албатта қондирилган. Акс ҳолда туғилажак бола жисмоний етишмовчиликлар, яъни боланинг қулоғи ёки лабининг кемтик бўлиши, бармоғи қийшиқ ёки бошқа нуқсонлар билан туғилиши мумкин, деб ҳисоблаганлар [1]. Агар аёлнинг уйида ейишни хоҳлаган нарсаси бўлмаса, қўшниларида сўраб ейиши мумкин. Баъзан водийда ҳомиладор аёлнинг ёнидан егулик олиб кетаётганлар тўхтаб, балким егиси келгандир деб, маълум қисмини ҳомиладор экансиз деб бериб кетиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Ҳомиладор аёлга қийин ҳазм бўладиган хамирли таомлар, қуён ва балиқ гўштарини истеймол қилиш тақиқланади. Бу нарсаларни тақиқлаш мазмунан тақлид (имитация)дан иборат бўлиб, уларнинг белгилари ҳомилага ўтиб қолишидан кўрқишган [2]. Шунингдек, ҳомиладор аёлнинг қоронғида ёлғиз юриши, боласидан ажралган ёки туғмас аёлларнинг изини босиши, каби ҳатти-ҳаракатлар манън қилинади [3]. Авестода агарда эркак ва аёл ҳомилани туширишга ёки

нобуд қилишга ҳаракат қилишса, унинг гуноҳи эр ва аёл гарданидадир, дейилади [4]. Бундан кўринадикки, ҳомилани асраб-авайлашга қадимдан эътибор кучли бўлган.

М.Н.Серебряковнинг “Мифы, культы, обряды народов зарубежной Азии” асарида ёзишича, туркларнинг фарзанд кўриш билан боғлиқ қарашлари сеҳргарлик, фол очиш каби одатлар билан боғлиқ бўлиб, агар фарзанд кўрмаган аёл кўп болали аёлнинг қўлидан сув ичса ҳомиладор бўлиши, шунингдек, ҳомиладор аёл диққат билан осмонга қараса, боласининг кўзи кўк туғилади, агарда у кўзгуда ўзига қараса, боласи ўзига ўхшайди, агарда ҳомиладор аёл боласини ҳол билан туғилишини хоҳласа у ҳолда биринчи уч ойлигида кўпроқ қора мурч ейиши [5] лозимлиги хусусидаги маълумотларни қайд этади.

Анджон вилоятида олиб борилган тадқиқотларимизда аҳоли томонидан ҳомиладорликда амалга ошириладиган урф-одатлар бошқа ҳудудда яшовчи ўзбекларнинг шу мазмундаги удумлари билан ўхшаш бўлиб, айна пайтда ўзига хосликларни ҳам учратиш мумкин. Хусусан, ҳомиладор аёл сочини кесиши мумкин эмаслиги, сабабини сўраганимизда туғиладиган фарзанднинг умри қисқариши, шунингдек, ҳомиладор аёл кўрпани тескари йиғиши керак эмаслиги, чунки болани туғилиши қийин бўлиб, бола тескари бўлиб туриб олиши, ҳомиладор аёл супургини ёқиши мумкин эмаслиги, сабаби туғиладиган боланинг бармоқлари катта бўлиб туғилади [6] деган қарашлар ўзбекларнинг қадимий эътиқодий тасаввурлари билан боғлиқдир.

Ҳомиладорлик даврининг иккинчи ярмидан кўпчилик ўзбек аёллари бола туғилишини енгиллаштириш мақсадида кўпроқ ҳаракатланиш учун уй-рўзғор ишлари билан машғул бўладилар ва маслаҳат берадилар.

Жадид маърифатпарвариларидан бўлган Фитрат Туркистонда эркаклар бола туғилиши олдидан хотинларини бирон мазор зиёратига юбориб, кушойиш тилашлари ёки мазорга назр қилишлари, исломда ҳаром қилингани, унинг фойдаси йўқ эканлиги [7] ҳақида куйиниб ёзади.

Ўзбек оилаларида туғруқ билан боғлиқ бир қанча урф-одатларга ҳам риоя қилинган. Масалан, туғаётган аёлнинг олдидан боласи ўлган, боласи турмаган ва бефарзанд аёлларнинг бўлиши қатъий таъқиқланган. Туғруқ енгил кечиши учун ҳомиладор аёллар шифохонага кетишидан олдинуйдаги барча қулфлар, ечилиб, чучварали тугун оши қилиниб, маҳалладаги ёши улуғ кайвони аёлларга, момоларга чиқарилган. Улар мазкур таомни танновул қилиб, Оллоҳим ўзи

енгилигини берсин, икки жонни саломат қилсин, вақти соатида эсон-омон бағрига боссин, тўрт муччаси соғ-саломат бўлсин, [8] деб дуо қиладилар.

Хулоса қилиб айтганда, ҳомиладорлик билан боғлиқ урф-одатлар ўзбек халқи этник маданиятининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, ушбу урф-одатлардан кўзланган асосий мақсад онани ва дунёга келадиган болани ёмон кўзлардан асраш, соғлом ва комил фарзандни вояга етказишдан иборатдир.

### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани.
2. Ташланов Т. Миллий ва диний урф-одатлар. –Т., 1968. - Б. 21.
3. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – 276 б.
4. Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам тарж. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 384 б.
5. М.Н.Серебрякова. Мифы, культы, обряды народов зарубежной Азии. –Москва: Наука, 1986. –С. 208-212.
6. Дала ёзувлари. Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани.
7. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари / Масъул муҳаррир Д.А. Алимова. Тарж. ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов – 2-нашр. Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.53.
8. Дала ёзувлари. Андижон вилояти, Андижон тумани.
9. Каримова М. Фарғона Водийси аҳолисининг никоҳга оид қарашларида розиликнинг аҳамияти //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/5. – С. 405-409.  
<https://www.inscience.uz/index.php/socinov/article/view/1399>
10. Karimova M. B. The ceremonies held with the participation of women and the institute of otinoyis (women teachers who run a school in their home)(in the example of Ferghana valley) //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 1. – С. 341-349.  
<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42658526>
11. МБ КАРИМОВА. PARTICIPATIONS OF G'ASSOLS (WASHERS OF THE DEAD) IN MOURNING CEREMONIES (IN THE EXAMPLE OF FERGHANA VALLEY) //МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ, 289-291.  
<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=18424886>

12. Каримова М. Б. ОБ ОБРЯДЕ" БИБИСЕШАНБА", ПРОВОДИМОМ С УЧАСТИЕМ ЖЕНЩИН //Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. – 2012. – №. 11. – С. 76-78.  
<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=19425007>